

Пудрат шартномаси № 11

Бухоро туман

2022 йил « 7 » октябрь

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Бухоро туман Тиббиёт бирлашмаси номидан
(буюртмачининг номи)

Низом асосида иш юритувчи ташкилот раҳбари С.С.Сафаров бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH» МЧЖ номидан Низом асосида иш курувчи А.Азимов иккинчи томондан Бухоро туман Тиббиёт бирлашмага қарашли Кобдин ОШП биносини жорий таъмирлаш учун пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қулланилади:

ижро ҳужжатлари — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик, даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар; **қурилиш майдони** — мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

вақтинчалик иншоотлар — Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар — сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар; **шартнома нархини бўлиб чиқиш** — ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Бухоро туман Тиббиёт бирлашмага қарашли Кобдин ОШП биносини жорий таъмирлаш учун пудрат шартномасини туздилар.

(лойиҳанинг номи)

лойиҳада қўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «28» сентябрдаги 153628-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда жорий нархларда 108 319 391 (Бир юз саккиз миллион уч юз ун туккиз минг уч юз туксон бир) сумни ташкил этади.

(сумма ёзув билан)

4. Ишлар қиймати узил-қесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

— қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; — ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда; — объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқда узгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ, бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: — барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга _____-иловага мувофиқ, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ва ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ, топшириш;

— _____-иловага мувофик, курилиш майдонида зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул қилиш, тушириш, оморга олиш ва саклаш;

— курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва иншоотларнинг муҳрфаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш. шунингдек ёритиш чироклар қўйиш.

— курилиш таваккалчиликларини сурурга қилиш;

— мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган соҳада бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

— курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

— мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг Ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур ҳолда бажарилишини ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик, мулкрий лавом беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага _____-иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома бўйича Пудратчига

бериш:

— ишлар бажарилиши усгидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул қилиб олишни таъминлаш;

— Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор кабул қилиш;

— молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига _____-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни кабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

— мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

— миллий валюта «сумда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда — томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

— кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сумда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда — шартнома қонун ҳужжатларига мувофик, руйхатдан утказилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиради.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг лавом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан _____ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, икки ойга тенг утушларга (ойига 30 фоиздан) булган ҳолда аванс утказали. бу 32 495 817 сум 30 тийинни ташкил этади!

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (_____илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қилган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи Агртасилаги узилкесил ҳисоб-китоб курилиш ту-галлангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда кабул қилингандан кейин икки босқичда:

— объект кабул комиссияси томонидан кабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида — ишлар қийматининг камида 45 фоизи миқдорида;

— мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом булгандан кейин — ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида, бироқ, молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган такдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тулашдан озод килинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини — техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

22. Пудратчи техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо булувчи масалаларни хал килиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курулиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баланлик белгиларини такдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баланлик белгилари, улчамлари ва булиш уklarининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни уз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия булиш ишларида урнатилган координатлар, баланликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома буйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи узи томонидан курилишида кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлайди.

32. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурулишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

33. Кабул килиналган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик кабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитекткурулишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма ружсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган булса ёки у бу хақида хабардор килинмаган булса, ёки кечикиб хабардор килинган булса, у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган киемини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилиқсиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини хисобтласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларга тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чикариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юрятади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган ҳолатлар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олинishi, утказилган синовлар, материаллар уз вак-тида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқishi Тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни қуриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тусилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қуриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарлишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.;

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган қундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V булимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланали.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

— барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
— лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

— Узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

— ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни.

— объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган қундан бошлаб қамила I йил этиб белгиланали.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имқонини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумлаван ускуналарнинг қамчиликларини далолатномада қурсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар қурсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига муружаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

— шартнома қучга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан қуп вақдга қечиктирилганда;

— ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга қупайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадавлига риоя этилмаганда;

— Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қеладиган даражада бузилганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ; бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ, бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтаиб қуйилганда;

— Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоиғасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкый жавабгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

— иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

— Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавийҳуқуқий базаси тугрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқа жавабгарликка тортилади.

59. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир қун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

60. Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки қурсатилган хизматлар сифати, ассортиментини ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хужалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос қелмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни)

қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади.

61. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб Пудратчига етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши. шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йуқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалалар тарафлар ўзаро музокаралар орқали Ўз Рес.нинг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунига кўра ҳал қилиш чораларини кўради. Агарда томонлар ўртасида ушбу шартнома юзасидан низо келиб чиқса белгиланган тартибда судловлилик қоидаларига кўра ҳудудий туманлараро иктисодий суди томонидан ҳал қилинади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари уз кучини йуқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида унга тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. **Шартнома муддати 31.12.2022**

йил.

XVII. Tomonlarning bank реквизитlari va yuridik manzillari.

«ПУДРАТЧИ»

«DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH»
МЧЖ
Бухоро туман Богикалон МФЙ
P/C:20208000405405764001
ИНН: 308597533 МФО: 00975

«БУЮРТМАЧИ»

Бухоро туман Тиббиёт бирлашмаси
Галаосиё шаҳар Фитрат №17_
p/c:100022860062077072130054058
ИНН: 200868797 МФО: 00014
Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошкар

Директор:



А.А. АЗИМОВ

Директор:



С.С. Сафаров

-sonli shartnomaga

ILOVA

Korrupsiyaga qarshi qoidalarining

ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni (davlat organi yoki tashkilotning nomi) xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

pora berishni taklif qilish yoki va'da berish;

tovlamachilik qilish;

pora sifatida pul to'lash;

bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.

Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilishiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon (davlat organi yoki takshlotining nomi) xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni;

Telegram-kanali ("@xxxxxxxxxxx");

(davlat organi yoki takshlotining nomi) rasmiy veb-saytida joylashtirilgan shakl yoki elektron pochta.

TOMONLAR:

Бажарувчи:



(F.I.O.)

(davlat organi yoki takshlotining lavozimi)



(F.I.O.)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

“DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH” MCHJ va Buxoro tuman tibbiyot birlashmasi o‘rtasidagi 11-sonli pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot.

Buxoro tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 29-sentabr kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Buxoro tuman adliya bo‘limi
yuridik xizmat ko‘rsatish markazi
bosh yuriskonsulti**



A.Freshjumayev

2022-yil 4-oktabr

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 153628 на приобретение Бухоро Туман тиббиёт бирлашмасига карашли Кобдин ошғ БИНОСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ 1

Способ проведения электронный

Дата 28.09.2022

Время рассмотрения 28.09.2022 15:18

Закупочная комиссия Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SAFAROV SUNNATULLA SATOROVICH	Рахбар	Бухоро туман тиббиёт бирлашма
Секретарь комиссии	HAMROYEV UMED HOMIDOVICH	Касаба уюшма	Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	ALIMOVA NIGORA TILAVOVNA	бош хамшира	Бухоро Туман Тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	BASHIROV UMIDJON XUDAYQUL O'G'LI	Фармацевт	Бухоро туман тиббиёт бирлашма
Член комиссии	XAMROYEV ASAD NAVRUZOVICH	Хужалик мудиринин 2	Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	Шукруллоев Акбар Ахтамович	Бош хакиминин уринбосаринин	Бухоро туман Тиббиёт бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 28.09.2022 года № лота 153628.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	108 319 391.00
Стартовая сумма	108 319 391.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ташкилотни ДСИдан дебитор ва кредитор карздорлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни ДСИдан дебитор ва кредитор карздорлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO DASTI SAXO	20	20	15	Экспертная		
IZZAT ZIYO AKFA SERVIS MCHJ	20	malumot taqdim qilindi	15	Экспертная		
OOO DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH	20	20	18	Экспертная		

Критерий №2 Машины и механизмы

Тип: Текстовое значение

Описание: Машины и механизмы

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO DASTI SAXO	20	20	16	Экспертная		
IZZAT ZIYO AKFA SERVIS MCHJ	20	Malumotnoma taqdim qilindi	17	Экспертная		
OOO DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH	20	20	19	Экспертная		

Критерий №3 Ноинсофлар руйхатига турмаслиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ноинсофлар руйхатига турмаслиги тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO DASTI SAXO	20	20	15	Экспертная		
IZZAT ZIYO AKFA SERVIS MCHJ	20	Malumotnoma taqdim qilindi	14	Экспертная		
OOO DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH	20	20	20	Экспертная		

Критерий №4 Коррупцион холатларга йул куймаслик хакида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупцион холатларга йул куймаслик хакида кафолат хати

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO DASTI SAXO	20	20	14	Экспертная		
IZZAT ZIYO AKFA SERVIS MCHJ	20	malumotnoma taqdim qilindi	18	Экспертная		
OOO DILBA YORU DASTBA KOR	20	20	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AHMADJON QURILISH						

Критерий №5 Опыт работы смета,дефектная акт и экспертное заключение хужжатларини такдим килинсин

Тип: Текстовое значение

Описание: Опыт работы смета,дефектная акт и экспертное заключение хужжатларини такдим килинсин

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO DASTI SAXO	20	20	13	Экспертная		
IZZAT ZIYO AKFA SERVIS MCHJ	20	malumotnoma taqdim qilindi	12	Экспертная		
OOO DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH	20	20	19	Экспертная		

Критерий №6 Наличие рабочего персонала

Тип: Текстовое значение

Описание: Наличие рабочего персонала

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO DASTI SAXO	20	20	14	Экспертная		
IZZAT ZIYO AKFA SERVIS MCHJ	20	malumotnoma taqdim qilindi	13	Экспертная		
OOO DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH	20	20	17	Экспертная		

Критерий №7 Фирма хакида тулик маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Фирма хакида тулик маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO DASTI SAXO	20	20	17	Экспертная		
IZZAT ZIYO AKFA SERVIS MCHJ	20	malumotnoma taqdim qilindi	14	Экспертная		
OOO DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH	20	20	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО DASTI SAXO	108 319 391.00	108 319 391.00 UZS	108 319 391.00	00.00	108 319 391.00	28.09.2022 14:34:46	0
ООО DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH	108 319 391.00	108 319 391.00 UZS	108 319 391.00	00.00	108 319 391.00	28.09.2022 14:55:29	0
IZZAT ZIYO AKFA SERVIS MCHJ	108 319 391.00	88 000 000.00 UZS	88 000 000.00	00.00	88 000 000.00	28.09.2022 14:37:53	0

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО DASTI SAXO	74.286	0	74.286
ООО DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH	95	0	95
IZZAT ZIYO AKFA SERVIS MCHJ	73.571	0	73.571

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 153628 от 28.09.2022 года на приобретение Бухоро Туман тиббиёт бирлашмасига карашли Кобдин ошп БИНОСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ 1 определила победителем:

ООО DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH
308597533

и резервный исполнитель: ООО DASTI SAXO (308222342)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SAFAROV SUNNATULLA SATOROVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMOVA NIGORA TILAVOVNA	Согласен	
Член комиссии	BASHIROV UMIDJON XUDAYQUL O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	XAMROYEV ASAD NAVRUZOVICH	Согласен	
Член комиссии	Шукруллоев Акбар Ахтамович	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AHMADJON QURILISH						

Критерий №5 Опыт работы смета,дефектная акт и экспертное заключение хужжатларини такдим килинсин

Тип: Текстовое значение

Описание: Опыт работы смета,дефектная акт и экспертное заключение хужжатларини такдим килинсин

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO DASTI SAXO	20	20	13	Экспертная		
IZZAT ZIYO AKFA SERVIS MCHJ	20	malumotnoma taqdim qilindi	12	Экспертная		
OOO DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH	20	20	19	Экспертная		

Критерий №6 Наличие рабочего персонала

Тип: Текстовое значение

Описание: Наличие рабочего персонала

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO DASTI SAXO	20	20	14	Экспертная		
IZZAT ZIYO AKFA SERVIS MCHJ	20	malumotnoma taqdim qilindi	13	Экспертная		
OOO DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH	20	20	17	Экспертная		

Критерий №7 Фирма хакида тулик маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Фирма хакида тулик маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO DASTI SAXO	20	20	17	Экспертная		
IZZAT ZIYO AKFA SERVIS MCHJ	20	malumotnoma taqdim qilindi	14	Экспертная		
OOO DILBA YORU DASTBA KOR AHMADJON QURILISH	20	20	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила: